

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

УСЕНОВА ГУЛМИРА АБЫЛЛАЕВНА

**«MOTHER/АНА» КОНЦЕПТИ ИДЕНТИФИКАТОРЛАРИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
(инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Усенова Гулмира Абыллаевна

«Mother/Ана» концепти идентификаторларининг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида)..... 3

Усенова Гулмира Абыллаевна

Лингвокультурологические особенности идентификаторов концепта «Mother/Ана» (на примере английского и каракалпакского языков)..... 23

Usenova Gulmira Abillaevna

Linguocultural peculiarities of the identifiers of the concept «Mother/Ана» (on the example of the English and Karakalpak languages)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕИГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

УСЕНОВА ГУЛМИРА АБЫЛЛАЕВНА

**«MOTHER/АНА» КОНЦЕПТИ ИДЕНТИФИКАТОРЛАРИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
(инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil609 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдизимов Шамшетди Нажимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Альниязов Айтмурат Исмаилович
филология фанлари доктори

Юлдашев Акмаль Ғуломжонович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «18» декабр куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25); факс: (99861) 223-59-25, e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (58 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «15» декабр даги № 1 рақамли реестр баённомаси).

**М.С. Қудайбергенов**
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Д.Н. Сагидуллаева
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.,
доцент

А.И. Альниязов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котибдаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., катта илмий ходим

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда жаҳон тилшунослик соҳасида тилларни миллий-маданий жиҳатларини очиб беришда лингвомаданиятшунослик йўналиши устуворлик килмокда. Жумладан, тилларни чогиштирма аспектига ургу беришда нафакат уларнинг тузилиши балки маданиятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама амалий истифода килишга ундайди. Лингвомаданиятшуносликнинг муҳим жиҳатларидан бири билим бирлиги саналмиш концепт ҳамда унинг когнитив майдонидан ўрин олган барча тил бирликларини таҳлил килиш муҳим аҳамият касб этмокда. Бугунги кунда жаҳонда маданиятлар диалоги ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятларининг фақатгина тил бирликлари оркали таърифлашгина эмас, балки уларнинг этномаданий тушунчасининг инсоний омил оркали «гапиришини» талаб этади.

Дунё тилшунослигида ҳар бир халқ тилини бойитиш ва ўзига хос хусусиятини шакллантириш қонуниятларига эга бўлган концептлар, жумладан, “Она” концептининг турли услубдаги матнларда вокеланиш кўлами, унинг алоҳида маданий концептлар доирасида қиёсий тадқиқи, матнлар кўламида ифодаланиши, тавсифланиши, концептуал-когнитив аспектларда тадқиқ қилиниши каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмокда. Хорижий олимларнинг қиёсий маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, «Она» концепти идентификаторларининг лингвомаданий хусусиятларини ўзлаштириш масалаларига қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш муҳимдир. Шу боис, тадқиқотларда инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги «Mother/Ана» концептини қиёсий ўрганиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, тилларнинг миллий доирасида концепт идентификаторларини тасвирлаш ва қадриятларини очиб беришга ёрдам беради.

Юртимизда мустақилликнинг сўнгги йилларида тилшунослик соҳаси юксак даражада ривожланмокда. Ҳозирги замон тилшунослигининг алоҳида йўналишлари сифатида эътироф этилаётган когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик ютуқлари асосида тилларни қиёслаш тамойиллари етарли даражада белгиланмаганлиги, бу борадаги ишларнинг алоҳида тадқиқотлар объекти бўлишига имкон беради. «Келгусида биз инглиз ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўрганишга катта аҳамият беришимиз зарур. Шунини унутмаслигимиз керакки, халқимизнинг интеллектуал ва маданий салоҳияти чиндан ҳам бебаҳо бойликдир ва шу асосида иқтидорли ёшларга таълим бериш жуда муҳимдир»¹. Бу борада турли тизимли тилларга хос бўлган инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги «Mother/Ана» универсал концептини лисоний ва миллий-маданий сатҳларда қиёсий ўрганиш, икки маданият нуқтаи назаридан таққослаш зарурати пайдо бўлди. Ёш авлодга бирор ўзга тил, чет тилини ўргатиш, она тили билан таққослаш, чет тилини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Муроҷатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. 23 декабрь.

ўргатиш билан бирга ўша халқнинг тарихи, маданияти билан таништириш, тилдаги мавжуд хусусиятларни ўрганиш, ёшлар нутқини янада ўстиришни таъминлайдиган вазифаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этмоқда. «Mother/Ана» концептини инглиз ва қорақалпоқ тилларида ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, у тилшуносликнинг лексикология, фразеология, семантика ва лексикография аспектларининг қатор масалаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Жумладан, қорақалпоқ тилшунослигига янги аспект, термин ва лисоний тушунчалар кириб келишига пойдевор бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Она» концептини Ҳинд-Европа лингвомаданий макони асосида «Она» концептининг когнитив-ассоциатив таҳлили У.Б.Марчук² томонидан, ҳозирги давр француз драмалари материаллари асосида «Она» архетипини вербаллаштирувчи тил бирликларининг лингвокогнитив тавсифини К.В.Старовойтова³, инглиз,

² Марчук У.Б. Особенности функционирования лингвокультурного концепта «Мать» в индоевропейском лингвокультурном пространстве [Электронный ресурс]. – Марчук, 2008. –<http://www.eprints.zu.edu.ua/2436/1>. – P. 213-217.

³ Старовойтова К.В. Архетип матери в современной французской драме: лингвокогнитивный аспект: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Киев: Киевский нац. лингв. ун-т., 2008. – 20 с.

форс, рус ва француз тиллари фразеологизмларида она ва ота образлари семантик тавсифининг қиёсий таҳлили О.Б.Смирнова⁴, инглиз тили сўзлари ва тургун бирикмаларининг «Қариндошлик муносабатлари» семантик майдониға кирувчи қисмининг коннотатив таҳлили Ю.И.Железнава⁵, рус ва швед тилларида «Она» концептининг ифодаланиш воситалари А.Н.Иванов⁶ тадқиқотида, рус ва инглиз тилларидаги «Оналик» семантик майдони қиёсий таҳлили А.Кириллина⁷, «Она» концепти адабий ва мифологик дискурс материаллари асосида И.И.Карелова⁸, концептуал-когнитив «Она» фреймининг вербаллашиши рус ва инглиз тиллари материалларида Н.К.Аванесян⁹, М.А.Андреянова¹⁰ эса рус, инглиз ва француз тилларида «Оналик» концепти соҳаси таркибига кирувчи лексик ва фразеологик бирикларни, «Она» концепти ва уни воқелантирувчи воситаларнинг Джоан Роулингнинг «Гарри Поттер» серияли романларида ифодаланиши А.Ганиева¹¹, хитой, рус, озарбайжон ва телеут тилларида қариндошлик семантик майдони терминларини «Она» концепти мисолида Ф.Абдуллаева¹², афроамерика олам манзарасида лисоний маданий концепт «Motherhood» (Оналик)ни И.В.Вакорина¹³, козоқ ва рус тиллари материаллари асосида Н.М.Жанпеисова¹⁴ қиёсий ўрганган. Тил тизими, босқичлари ва бирикларини лисоний-маданий ва прагматик аспектларда ўрганиш ватанимиз тилшунос олимлари: Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, А.Абдуазизов, У.Қ.Юсупов, Н.М.Джусупов, Г.И.Эргашева, М.Р.Галиева, Н.З.Насуруллаева¹⁵

⁴ Смирнова О.Б. Образы матери и отца во фразеологии разноструктурных языков (сопоставительный анализ семантических характеристик на материале английского, персидского, русского и французского языков): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2009. – 22 с.

⁵ Железнава Ю.В. Лингвокогнитивное и лингвокультурное исследование концепта «семья»: Дис. ... канд. филол. наук. – Ижевск, Удмурт. гос. ун-т, 2009. – 205 с.

⁶ Иванов А.Н. Концепты родства в русском и шведском языках [Электронный ресурс] // Знание. Понимание. Умение. – М., 2008. -№5. Филология. - http://www.zpu-journal.ru/e-zpu/2008/5/Ivanov_concepts/.

⁷ Кириллина А. Гендерные стереотипы по данным языка // Гендер: лингвистические аспекты. – М.: Институт социологии РАН, 1999. – С. 105-162.

⁸ Карелова И.И. Национальная концептосфера и идиоконцептосфера: на материале произведений Л.Е. Улицкой: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2009. – 20 с.

⁹ Аванесян Н. К. Языковая объективация концептуально-когнитивного фрейма «Мать» в английском и русском языках: Дис. ... канд. фил. наук. – Пятигорск, 2012. – 206 с.

¹⁰ Андреянова М. Реализация концептосферы «Материнство» в русском, английском и французском языках: Дис. ... канд. фил. наук: 10.02.20 / – Казань, 2012. – 206 с.

¹¹ Ганиева А.О. Концепт «Mother» (мать) и средства его реализации в серии романов Джоан Роулинг «Гарри Поттер» // Проблемы современной науки и образования. – Иваново, 2017. - №29 (111). – С. 41-47.

¹² Абдуллаева Ф. Семантическое пространство терминов родства на примере концепта «Мать» в китайском, русском, азербайджанском и телеутском языках // Journal of Endangered languages. – Стамбул, 2018. – С. 2-7.

¹³ Вакорина И. Лингвокультурный концепт «Motherhood» (материнство) в афроамериканской картине мира: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Смоленск, 2016. – 24 с.

¹⁴ Жанпеисова Н.М. Когнитивно-лингвокультурологический анализ картины мира казахско-русских билингов: Учебное пособие по спецкурсу. – Актюбе, 2004.

¹⁵ Ashurova D.U. Cognitive Stylistics: views, approaches, perspectives // Stylistics in the light of modern linguistic trends. Papers of scientific practical conference. – Т., 2011. – P. 11-14; Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. - 92 б.; Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики // Хорижий филология. – Самарканд: 2007. – №3. – С. 5-6; Юсупов У.К. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011; Джусупов Н.М. Лингвокогнитивный аспект исследования символа в художественном тексте: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 2006. – 29 с.; Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном... дис. – Т.: ЎЗМУ, 2011. – 154 б.; Галиева М.Р. Вербализация

илмий ишларида учрайди. А.Пирназаров¹⁶ шоир Отеш асарларида аёллар образларини кўриб чиккан, шунингдек, у Омар шоирнинг аёллар образини тасвирлашда фолклор материалларидан фойдаланганлигини кайд килади, Ш.Н.Абдиназимов¹⁷ «Аёл» сўзининг лексикасини, З.У.Даўлетмуратова¹⁸ қорақалпоқ тилидаги қариндошлик терминларини лексик-семантик жиҳатдан, Г.К.Қдырбаева¹⁹ инглиз ва қорақалпоқ тиллари лисоний манзарасида «Man/Адам(эркак)» концепти соҳасини лисоний-маданий аспектда қиёсий нуқтаи назардан таҳлил этган.

Диссертацион тадқиқотлар ва қатор илмий мақолалар шарҳини яқунлаган ҳолда қуйидагича хулосаларга келиш мумкин: юқорида қайд қилинган ишларда ўрганилаётган концепт муаммо сифатида комплекс (лисоний-маданий ва қиёсий) таҳлил этилмаган; мазкур муаммо инглиз ва қорақалпоқ тиллари материаллари асосида қиёсий-таққослаш аспектида ҳеч бир ишда ўрганилмаган; яхлит концептуал таҳлил методлари тўла ойдинлаштирилмаган; бизнингча, мавжуд амалий ишларнинг камлиги шундаки, «Mother/Ана» концептига етарлича эътибор берилмаган, бу эса унга ўзининг онтологик моҳиятига кўра алоҳида қўлланилишига имкон бермайди, балки у бошқа маданий концептлар билан ўзаро алоқада майдонга чиқади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Ҳар хил тизимдаги тилларни қиёсий ўрганиш», «Замонавий филология назарияси ва методикасининг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг лингвомаданий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

концепт, концептосфера, оламнинг миллий манзараси, лисоний бирликларнинг вербаллашуви каби лингвомаданиятшуносликка доир тушунчаларининг моҳиятини белгилаш ва «Mother/Ана» концепти қўрилиши ва унинг тадқиқот методикасини ишлаб чиқиш;

концептосферы word/сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 2010. – 28 с.; Насуруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 2018. – 71 б.

¹⁶ Пирназаров А. Өтеш шығармаларындагы ҳаял-кызлар образы // Вестник Каракалпакского филиала АН РУз. – Нукус, 1980. - №3. – Б. 93-96.

¹⁷ Абдиназимов Ш.Н. «Ҳаял» сөзи ҳаққында // Бердақ атындагы ҚМУ хабаршысы. – Нөкис, 2015. - № 4. – Б. 104-107.

¹⁸ Даўлетмуратова З.У. Қарақалпақ тилиндеги туўысканлык атамалары: Филол. илим. канд. дис. – Нөкис, 2010. – Б. 143.

¹⁹ Қдырбаева Г.К. Лингвокультурологические и лингвокогнитивные особенности единиц концептосферы «man» - «адам» (на примере английского и каракалпакского языков): Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – Т., 2017. – 45 с.

инглиз ва қорақалпоқ тилларида «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг лексик, фразеологик ва паремиологик сатҳлардаги ўхшашликлари ва тафовутларини аниқлаш;

инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги бадий асар ва шеърлар дискурси наздида «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг лингвомаданий хусусиятларини очиб бериш;

новербал коммуникация воситалари асосида «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг лингвомаданий хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва қорақалпоқ миллий олам манзарасидаги «Mother/Ана» концепт идентификаторлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг лисоний маркерлар, фразеологик, паремиологик ва контекстуал сатҳлардаги лингвомаданий хусусиятларининг тавсифи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда семантик, этимологик, компонентли-лугавий, фразеологик, паремиологик, контекстуал-семантик ва семиотик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

киёсланаётган маданиятлардаги «Mother/Ана» концептининг лисоний ва маданий воқеалантирилиш ҳолатлари, лисоний бирликлар вербаллашуви, концепт идентификаторларининг лингвистик ва миллий олам манзараси хусусиятлари антропоцентрик нуқтаи назардан такомиллаштирилган;

инглиз ва қорақалпоқ тилларида «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг лексик, фразеологик ва паремиологик сатҳлардаги лисоний вербаллашуви исботланиб, лексик-семантик нуқтаи назардан алломорф ҳамда морфологик, лисоний-маданий нуқтаи назардан универсал ва миллий ўзига хос компонентларнинг изоморф хусусиятлари аниқланган;

қорақалпоқ миллий маданиятида онанинг *фидокор, кучли аёл, меҳрибонлик, қувонч манбаи* сифатидаги ижобий образларининг салмоқдорлиги, инглиз маданиятида эса ижобий образлар билан биргаликда *ўғай она, онанинг болага бефарқлиги, болаларини ташлаб кетган она* каби кўплаб салбий образлари мавжудлиги далилланган;

«Mother/Ана» концепт идентификаторлари инглиз ва қорақалпоқ тилларида она образининг хулқ-атворини акс эттирувчи эмоционал ҳолати имо-ишораларни тасвирлашда бир сўзли эквивалент бўлган сукут, кулгу, нафас, йиги, хафа бўлиш, хайратланиш каби новербал коммуникатив бирликларининг жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

инглиз ва қорақалпоқ лугавий материаллар ёрдамида лисоний воситалар ва бирликларнинг дефинициялари аниқланган;

«Mother/Ана» концепт идентификаторлари мисолида фразеологик бирликлар мажмуи шакллантирилган;

концептуал таҳлил методи асосида концепт идентификаторларининг миллий олам манзаридаги паремиологик сатҳдаги ўзига хослик ва тавофутлари очиб берилган;

контекстуал-семантик таҳлил асосида шеър ва бадий асарлар матнларидаги «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг контекстуал ва коннотатив маънолари очиб берилган;

қиёсланаётган тилларда «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг новербал коммуникатив воситалари семиотик таҳлил асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган методлар, асословчи илмий-назарий манбалар, материаллар таҳлили, мазкур соҳада илгари амалга оширилган тадқиқотлар, назарий ҳолатларига таянилганлиги, келтирилган таҳлиллар семантик, этимологик, компонентли-луғавий, фразеологик, паремиологик, контекстуал-семантик ва семиотик усулларга асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг диссертация ишининг назарий ҳолатларига мувофиқлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, «Mother/Ана» концептини ўрганиш орқали олинган хулосалар ва таҳлиллар натижаларидан фойдаланилганлиги, ушбу концептни бошқа тиллар материаллари асосида яна ҳам чуқурроқ ўрганишга йўл очилган; назарий маълумотлар когнитив тилшунослик, қиёсий типология, лексикология ва фразеология, лингвопрагматика, стилистика, матнни шарҳлаш каби соҳалар захираларини бойитиб бориши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда таклиф қилинган тавсиялар, унинг натижаларидан олий ўқув юртлари тизимида ўқитиладиган «Тилшунослик», «Когнитив тилшунослик», «Лингвомаданияшунослик», «Қиёсий типология», «Лексикология», «Стилистика», «Дискурс таҳлил», «Таржима назарияси», «Ўзма нутқ амалиёти», «Тинглаб тушуниш амалиёти», «Ўқиш», «Илмий-тадқиқот ишларига кириш» фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда, матн тилшунослиги, лингвомаданиятшунослик, этнолингвистика фанларидан махсус курслар ташкил этишда, битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ёзишда, икки ва кўп тилли лугатлар тузишда, инглиз ва қорақалпоқ тиллари бўйича тайёрланадиган бўлажак мутахассисларнинг назарий ва амалий билимларини бойитиш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва қорақалпоқ тилларида «Mother/Ана» концепти идентификаторларининг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган натижалари асосида:

қорақалпоқ тилидаги “Ана” концепти идентификаторларининг лингвомаданий аспектларини мавзувий гуруҳларга ажратиш билан боглик илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот

институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 10 февралдаги 29/1-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ тилидаги «Ана» концепти идентификаторларини тавсифловчи лексик бирликлар, фразеологизмлар ва паремиялар лингвомаданий аспектда тадқиқ қилишда манба сифатида асос бўлган;

инглиз ва туркий халқлар оғзаки ижоди, асосан, инглиз ва қорақалпоқ фольклорида она образини тасвирлашда паремия (мақол) жанри, шунингдек, қорақалпоқ шоир ва адиблар асарларида «Ана» образи ёрқин тасвирланиши билан боглиқ хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида инглиз ва қорақалпоқ халқлари оғзаки ижоди, асосан, инглиз ва қорақалпоқ фольклорида она образини тасвирлашда мақол жанри бўйича кўргазма ва экскурсия жараёнларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 2-03/540-сон маълумотномаси). Натижада, инглиз ва қорақалпоқ маданиятида «Mother/Ана» концептини тавсифловчи ўзига хос миллий маданий хусусиятлари очиқ берилган;

инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги бадиий асар ва шеърлар дискурси шаклида «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг лингвомаданий мазмунига оид таклиф ва тавсиялар Қорақалпоғистон телерадиоканалининг «Қайырлы таң» эшиттириши орқали бадиий адабиётга қизиқувчи кенг оммага татбиқ этилди ва ижобий натижаларга эришилди (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2021 йил 11 февралдаги 01-02/77-сон маълумотномаси). Натижада, кенг жамоатчилик эътиборига она образини, унинг оиладаги ва жамиятдаги ролини ҳар хил тушунилиши сабабли ўзаро фарқланишини, бадиий ва шеърый асарларда она образи маданий-шахсий ҳодиса сифатида қўлланилиб, унинг оилавий ва ижтимоий ҳаётда катта аҳамиятга эга эканлигини сингдириш имконияти вужудга келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, шулардан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, боблар бўйича ва умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 126 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, материаллари аниқланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари**» деб номланган биринчи бобда ҳозирги замон тилшунослигида «Лингвомаданиятшунослик» тушунчасининг талқин қилиниши, муаммонинг ўрганилиш тарихи, ҳар хил назарий қарашлар, нуқтаи назарлар, таҳлил методлари ва концептни тавсифлаш масалалари баён этилган.

Тилшуносликдаги мазкур йўналиш социолингвистика, этнолингвистика ва бошқа антропоцентриқ характердаги фанларга ўхшаш йўналишдир. Лингвокультурология соҳаси ривожига рус тадқиқотчиларидан В.Н.Телия, В.И.Хайруллин, В.В.Воробьев, В.А.Маслова, В.И.Карасик, Г.Г.Слышкин, С.Г.Воркачев, Д.С.Лихачев, Ю.С.Степанов, Е.О.Опарина, маҳаллий тилшунослардан Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, А.Абдуазизов, У.Қ.Юсупов, Н.М.Джусупов, Г.И.Эргашева, М.Р.Галиева, Н.З.Насуруллаева, А.Пирназаров, Ш.Н.Абдиназимов, З.Даулетмуратова, Г.Қдырбаевалар қатта ҳисса қўшган.

Лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ХХ асрнинг охирида пайдо бўлиб, тилни тилшунослик ва маданиятшуносликнинг ўзаро алоқалари натижасида ўрганади. В.Н.Телиянинг аниқлашича, лингвомаданиятшунослик тил ва маданиятни ўзаро синхрон алоқада ўрганувчи соҳадир²⁰. В.А.Маслова фикрича, тилшуносликнинг мазкур соҳаси объекти «маданий ахборотни ташувчи тилни, маданият ва унинг дастурлари ва преференс ўйинларини, тилдан фойдаланиб маданиятни яратувчи инсоннинг тилга таъсири масалаларини ўрганишдан иборатдир»²¹.

Дарҳақиқат, лингвомаданиятшунослик фан сифатида ва унинг объекти, предмети, вазифалари қуйидагича таърифланиши мумкин: лингвомаданиятшунослик тилда акс этган ва муайян халқ маданиятининг намоён бўлишини ўрганувчи тилшунослик ва маданиятшунослик оралигидаги фандир.

Лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан концепт: «идеал тузилма сифатида миллий-шартланган гоёларни акс эттирувчи ва инсоннинг реал «ҳақиқий» дунё ҳақидаги таассуротларидир»²² деб аниқланади. Бу эса ҳақли

²⁰ Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – М.: Языки русской культуры. 1996. – 288 с.

²¹ Маслова В.А. Лингвокультурология: учеб. пособие. – М.: Академия. 2001. – 183 с.

²² Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание / Пер. с англ. / отв. Ред. М.А. Кронгауз. – М.: Русские словари. 1996. – 416 с.

равишда маданиятнинг базавий унсуридир. Барча концептларда муайян асрлардаги ва ҳар хил даврлардаги гоёлар жамланади. Натижада, концептлар «дунё ва инсон ўртасида воситачилик қилувчи ўзига хос маданий қатлам»²³ ни ташкил қилади.

Концептларни ўрганиш халқнинг дунёқарабини, миллий-маданий қадриятларини, ҳар бир халқнинг тарихий тажрибаларини аниқлаш имконини беради. Миллий ва лисоний-маданий концептларни таҳлил этиш эса миллий гоёлар хусусиятини, ҳар бир халқ тилида ифодаланган олам манзарасини очиқ беришга ёрдам беради. Концептуал тадқиқотларда асосий метод сифатида у ёки бу сўзларнинг луғатдаги изоҳларидан фойдаланилади, чунки улар маданият концептларини объектив акс эттиради. Лексикографик аниқламаларда концептнинг муҳим тавсифи жамланади, уларни ўрганиш маданиятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқотчига қатта ахборот бериши мумкин²⁴.

Таҳлил ва тасвир учун тақлиф қилинаётган концептуал таҳлил бир неча босқичларни ўз ичига олади:

- «Mother/Ана» концептини лексик босқичда тадқиқ қилиш учун концепт идентификаторларини компонентли луғавий усули қўлланилди. Компонент таҳлил давомида сўз концептининг лексик маъноси унинг луғавий дефиницияси билан аниқланади, концепт идентификаторининг этимологик маъноси ўрганилади, бошқача айтганда, концептнинг ядровий лексемасининг бирламчи маъноси аниқланади ва таҳлилга тортилади, лексик бирликни ўзида қамраб олувчи ядровий идентификаторининг синонимик қатори ажратиқ қўрсатилади;

- паремиологик сатҳда олиқ борилган концептуал таҳлил «Mother/Ана» концепт идентификаторлари асосида фразеологик бирликлар ва мақолларнинг мажмуасини шакллантиришга ёрдам берди. Ўрганилаётган концептнинг паремиологик номинациясини таҳлил қилиш ниҳоятда аҳамиятлидир, чунки мазкур таҳлил унинг аксиологик тавсифини очиқ беришга имкон беради;

- контекстуал таҳлил босқичида, лисоний олам манзарасини таҳлил қилиш натижасида бадий асарларда ва шеър матнларида «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг коннотатив ва контекстуал маънолари аниқланади. Мазкур концептуал таҳлил концепт идентификаторининг семантик қатламларига кириқ боришга, инглиз ва қорақалпоқ лисоний маданияти, миллий онги ва маданий қадриятларини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу босқичда семантик таҳлил, контекстуал-семантик таҳлил усулларида фойдаланилади.

- «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг новербал коммуникация воситалари семиотик таҳлил асосида ўрганилади.

Диссертациянинг «**Mother/Ана**» концептининг инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги ифодаланиш хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида ушбу концептнинг лексик, фразеологик ва паремиологик сатҳлардаги ифодаланиш хусусиятлари берилган.

²³ Логический анализ языка: Ментальные действия / под ред. Н. Д. Арутюновой и Н.К. Рязцевой. – М.: Наука, 1993. – 176 с.

²⁴ Попова З.Д. Очерки по когнитивной лингвистике / Попова З.Д., Стернин И.А.. – Воронеж: Истоки, 2001. – 192 с.

«Mother/Ана» концепт идентификаторлари луғавий маркерлари эволюциясини таҳлил қилиш кизиқарли бир ҳолдир. «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг вербаллашиш хусусиятларини лексик босқичда тасвирлаш учун дефиницион, этимологик, луғавий компонентли таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

«Mother/Ана» концептининг Mother (n), Mother (adj) ядровий идентификатори Merriam Webster's Collegiate Dictionary²⁵ лугатидаги маркери ёрдамида ўрганилди. Луғатдаги лексик-семантик вариант ҳар хил соҳалар тажрибаларини ифода этади: «*a female parent*» гендерли оилавий муносабатлар рамзи, «*a woman in authority*», «*an old or elderly woman*» – ижтимоий мақом, «*a superior of a religious community of women*» – диний соҳадаги юқори мақом. Шундай қилиб, лексик-семантик вариантда ҳам ахборот баёнида изчиллик кузатилмайди. Mother идентификатори «*an old or elderly woman*» дефинициясида «катта ёшдаги аёл» семасини ифодалайди, бунда биз биладиган mother идентификаторининг «она мақомини олишга доир бирмунча вақт ўтиши кераклигини билдирувчи сема» сифатида тан олинади.

Инглиз тили лексикографик манбалардаги mother идентификаторининг дефиницион таҳлили шундай хулосага келишга имкон беради. Она ҳаёт манбаи ва ўз болалари учун ҳаётий зарур бўлган ҳилқат; она олижаноблик, нозиклик, гамхўрликнинг, куч, энергиянинг манбаи, ичимликлар таркибидаги компонент, тоза элемент. Умуман қайд этиш керакки, инглиз тилида *Mother* концептининг ядровий идентификатори маркери анча ўзгаришларга учраган, ҳозирги давр замонавий луғатларда *mother* феъл сифатида гамхўрлик қилиш ва ҳар қандай ҳавф-хатардан ҳимоя қилиш ҳаракатларини ифодаловчи лисоний бирлик ҳисобланади.

Қорақалпоқ тилидаги «Ана» концепт ядровий идентификаторининг қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида берилган таърифи анча кам ҳажмда эканлигин таъкидлашимиз жоиз.

Ана – (ат). *Ана, туўган шеше.*

«Русча-Қорақалпоқча луғат»²⁶ да «Ана» сўзи куйидаги таърифларига эга: *Ана* – мать, родная мать, мачеха, родной язык. (букв. Язык матери).

Мазкур луғатларда «Ана» концепт идентификаторининг «*жаратыўшы, гамхорлық этиў*» семалари берилмаган.

Қорақалпоқ тилидаги изоҳли луғатда «Ана» лисоний бирлигининг таърифида *ана, ене, шеше* синонимик бирликлар ёрдамида берилган. Ваҳоланки, қорақалпоқ тилида ушбу лисоний воситаларнинг функционал ўзига хосликлари мавжуд.

«Русча-қорақалпоқча луғат»да *ана* сўзи «мама, мать (катта ёшдаги аёлга ҳурмат маъносида) қўлланилади: *ене* – мать, свекровь, тёща», «Қорақалпоқча - русча луғат» да – «қайнона, хола». *Ана, ене* сўзлари ҳар хил маънолар беради. Қорақалпоқ тили билан алоқа қилувчилар она сўзи ўрнида *ене* сўзини кўп қўлламайди. *Шеше* сўзи эса она сўзига абсолют синоним, ана сўзи тантанали

²⁵ Merriam Webster's Collegiate Dictionary. Publisher: Merriam Webster, Inc; 11th edition. USA.2014. – 1664 p.

²⁶ Турабаев А., Сейтова К., Қошанов К., Хошанов Б., Сапаров К., Турабаева З. Русско-қарақалпақский словарь. – Т.: Шарқ, 2010. – 623 с.

сўз бўлиб, *шеше* сўзида бу маъно йўқ, *ана*, *шеше* лексемалари хайвонларга, диний шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Икки тилнинг лексик сатҳдаги таҳлили асосида қуйидаги ўхшашликлар аниқланди:

- *Mother* ва *ана* идентификаторлари ўзларининг асосий маъноларида «*a woman in relation to a child or children to whom she has given birth*» (болаларига нисбатан аёл/ болалари бор ёки бўлган аёл) – «перзент пенен қарым-қатнастагы ана яки балага ғмир берген ҳаял» – абсолют эквивалент сема сифатида келади;

- Кўчма маънода бирор нарсага ҳаёт бағишлаган манба, маънавий юқори қадрият семалари сифатида келади (*Mother – Earth, Motherland – Ана Ўатан, Ана жер*), *шеше*, *ана* сўзлари бу маънода қўлланмайди.

Қорақалпоқ тили инглиз тилидан фарқ қилган ҳолда, мазкур идентификатор ҳеч қачон бетакаллуфлик маъносида қўлланилмайди. Қорақалпоқ тилида катта ёшли аёлга муружаатда *шеше*, *ана* сўзлари қўлланади.

Тил халқ тарихи ва маданиятининг аксидир, жамиятда юз берган ўзгаришлар тилнинг фразеологик таркибида акс этади. «Фразеология - деб таъкидлайди А.В.Кунин, – тилнинг хазинасидир, фразеологизмларда халқ тарихи, ўзига хос маданияти, ҳаёти акс этади»²⁷.

«*Mother/Ана*» концепти идентификаторлари фразеологик сатҳда қўйидагича ўз ифодасини топади: онасининг эркаси, севиқли бола (*a mother's boy*); онасининг ўғли, онасининг қизи «*a tummy's boy*», «*mmas darling*».

Қорақалпоқ тилида эса бу келтирилган фразеологик бирликларни «*кўзднц қарашыгындай*» ибораси ифодалайди (севиқли бола, севиқли). Аммо ядровий идентификатор ибора таркибида қўлланилмаган. «*Ана сўти аузынан кетпеген*» фразеологик бирикмаси «ёш, тажрибасиз» маъноларини билдиради.

Инглиз тилидаги «*learn something at one's mother's knee*», «*drink (suck) in smth.with one's mother's milk*» фразеологик бирикмалари қорақалпоқ тилидаги «*Ана сўти менен сиңген*» фразеологик бирлиги маъносига тўғри келади.

Инглиз тилида «*God mother*» фразеологик бирикмаси – чўқинтирган она, диний тушунчаси сифатида мавжуд бўлиб, у одамнинг руҳий онаси ҳисобланади. Чўқинтирган она, тукқан она каби ваколат ва мажбуриятларга эга бўлади. Қорақалпоқ тилидаги «*киндик шеше*» (киндигини кесган аёл) ва «*мурындық ана*» бирикмалари қорақалпоқ халқининг урф-одатларига таалукли лисоний бирликлар ҳисобланади: «*киндик шеше*» чақолоқ туғилганда киндигини кесиш билан боглик; «*мурындық ана/мурындық ата*» ёшлар оила қурганда Худони ўртага қўйиб ота-она қилиб белгиланадиган инсонлар. Ҳозирги даврда болани биринчи чўмилтирган аёл ҳам *киндик шеше* деб аталади ва айрим ҳолларда чақолоқ ота-онасининг шу вазифага сайлаган аёлга қарата ишлатилади. Қорақалпоқ миллий олам манзарасидаги «*мурындық ана*» лисоний воситаси инглиз миллий олам манзарасида лакунарлик ҳолатига учрайди.

Ҳар хил тизимдаги тиллар фразеологизмларини ўрганишимиз натижасида қуйидаги умумий белгилар аниқланди: инглиз тилида ҳам, қорақалпоқ тилида ҳам фразеологик иборалар онанинг буюк мақомини, инсон ҳаётидаги ўрнини,

²⁷ Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1996. – С. 4.

она муҳаббатининг улуғ кучини таъкидлайди; фразеологик бирликлар мазмунида онага хурмат билан мунасабатда бўлиш, қариганда унга гамхўрлик қилиш, она ва бола ўртасида тигиз алоқанинг зарурлиги таъкидланади. Тадқиқ қилинаётган тилларнинг фразеологик сатҳларидаги фарқлари, асосан, идентификаторларнинг аксиологик жиҳатлари билан боғлиқ.

Паремиологияга мурожаат қилиш шу билан изоҳланадики, у ёки бу тилнинг паремиологик бирликлари ҳар бир халқнинг миллий онгини акс эттирувчи ўзига хос ойнадир²⁸.

Ўтказилган лингвомаданий таҳлил натижаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, тадқиқ қилинаётган тилларнинг паремияларида ифодаланган маданий дастурлар бир-бирига яқин:

1) «Mother/Ана» – ҳаёт манбаи, яқин, азиз, меҳрибон она. Инглиз тилида: *The mother's breath is always sweet* (она нафаси доим ширин); қорақалпоқ тилида: *Ханнан бала уллы, баладан ана уллы*.

2) «Mother/Ана» – ҳимоя, ишонч ва осойишталик рамзи. Инглиз тилида: *A mother is like an island in life's ocean, a peaceful quite shelter from the restless tide* (Она океан ҳаётидаги оролга ўхшайди, ташвиш ва ҳавф-хатардан осуда ва тинч макон); қорақалпоқ тилида: *Ана бир қолы менен бесик тербетер, бир қолы менен дўньяны тербетер*.

3) «Mother/Ана» – чексиз муҳаббат, жавобсиз севги, фарзанд учун идеал. Инглиз тилида: *Every mother thinks her own gosling a swan*. (ҳар қандай она ўзининг гозчасини оққуш деб ўйлайди); қорақалпоқ тилида: *Ананың кеўли балада, баланың кеўли далада*.

4) «Mother/Ана» – қатъий, талабчан, пунктуал. Инглиз тилида: *God can not be everywhere, so that created mother* (*Худо ҳамма ерда бўлолмайди, шу сабаб онани яратди*). Қорақалпоқ тилида: *Ананың салған жолы бар, шешениң айтқан сөзи бар*.

5) «Mother/Ана» – кўзгу, ташки кўриниш, идеал, ўхшашлик, ёшлик. Инглиз тилида: *Like mother, like daughter* (онаси қандай бўлса, қизи ҳам шундай) (олма олмадан узок тушмайди). Ушбу мақолнинг синоними: *Take a vine of a good soil and the daughter of a good mother*. Қорақалпоқ тилида: *Ата даңқы менен ул өседи, ене даңқы менен қыз өседи*. (Ўгил тарбиясида ота қатта рол ўйнайди, қиз тарбиясида эса – она). Бунда синоним: *Анасын көрип қызын ал, табагын көрип асын иш*.

6) «Mother/Ана» – хурмат, ёрдам, эркалаш, илтимос. Инглиз тилида: *A mother is she who can take the place of all other, but whose no one else can take* (Она бошқани алмаштириши мумкин, лекин онани алмаштириш мумкин эмас). Қорақалпоқ тилида: *Ата-ананың тилин алған баланың мәртебеси ҳар жерлерде оттай жанар*.

7) «Mother/Ана» – келажак, авлод, тарбия, гамхўрлик, сабр, фарзанд. Инглиз тилида: *A mother laughs our laughter, sheds our tears, returns our love, and fears our fears* (Она биз кулганда кулади, йиглаганда йиглайди, бизнинг

²⁸ Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – М.: Языки русской культуры. 1996. – 288 с.

севгимизга севги билан жавоб кайтаради, биз кўрксак, у ҳам кўркади). Қорақалпоқ тилида: *Ене қадирин билген, ене сөкпейди, ақыллы адам бир жерде еки суринбейди.*

8) «Mother/Ана» – муносабат, чексиз мухаббат, хаддан ташқари ҳимоя. Инглиз тилида: *Mother's darlings are but milksop heroes* (Она эркатойи – чакалок, қахрамон эмас). Қорақалпоқ тилида: *Бала – ылай, – ана гўлал. Ана сўти аўзынан кетпеген.*

9) «Mother/Ана» – нафрат, афсус, ўгай она нафрати. Инглиз тилида: *The child who gets a stepmother also gets a stepfather* (Ўгай она кўлидаги болага туккан отаси ҳам ўгай бўлади); Қорақалпоқ тилида: *Әкесиз жетим зор жетим, анасыз жетим қор жетим.*

10) «Mother/Ана» – пойдевор, манба, ибтидо, илдиз. Инглиз тилида: *Idleness is the mother of all evil* (Байрам – барча етишмовчиликлар онаси). Қорақалпоқ тилида: *Сөз анасы – қулақ, суу сағасы – булақ.*

Инглиз ва қорақалпоқ тиллари паремияларининг концептуал таҳлили натижалари шундай хулоса қилишга имкон берадики, икки тил паремияларида ифодаланган кўпгина маданий урф-одатлар бир-бирига мос келади:

оналикка ижобий тавсифлар берилган; ҳар иккала тилда ҳам она олижаноблик, гамхўрлик, эркалаш, ишонч, ҳимоя ва озод бўлиш рамзи, гамхўрлик қилувчи, эркаловчи ва таянч берувчи инсон; ўз фарзандларига чексиз мухаббатни ифодалаб, болаларининг бахти ва осуда ҳаёти учун ўзини қурбон қилишга тайёр зот. Ўгай она ва ўгай бола образлари салбий таснифларда келади.

Диссертациянинг «**Инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги «Mother/Ана» концептини лингвомаданий аспектда тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида мазкур концептнинг бадий ва шеър матнларидаги идентификаторлари ўрганилади, унинг бадий адабиёт матнларидаги новербал бирликлари таҳлил қилинади.

Романларда «mother» идентификатори қуйидаги сифатлар билан кўлланилган: «*the Mother Superior*» (мураббий она), «*mother honor*» (она шарафига), «*Mother – dear*» (она – қимматбаҳо). Муаллиф тасавурида «Mother» концепти бевосита «қадрли, севимли ва идеал инсон» тушунчаси билан «*The Grapes of Wrath*» (Бир шингил нафрат) ва «*East of Eden*» (Эдемдан Шарққа қараб) романларида боғланган «*mother Hubbard*» (Тик кўйлак бичими) бирикмаси ва «*mothergood*», «*stepmother*», «*motherly*», «*grandmother*», «*motherness*» ҳосила сўзлар учрайди. Дж.Стейнбек ўз асарларида юкорида берилган бирикмалар ёрдамида онанинг ижобий ва салбий образларини кўрсатади: *As she walked she hiked her Mother Hubbard up to her knees, and she bleated her shrill terrible war cry: «Pu-raise Gawd fur vittory»²⁹.*

Асарда муаллиф соддалиги, шу билан бирга қатъийлиги ва одоби ифода этилган болалар кўшиғи характерининг номига асосланиб, *Mother Hubbard* идентификаторидан фойдаланган ҳолда оғзаки баён қилинади.

²⁹ Steinbek J. *The Grapes of Wrath*. – London: Penguin Books. 1992. – P. 105.

Универсал «Она» концептининг деярли барча халклар ва тиллар асарларида иккита образи мавжуд: ижобий ва салбий. Ижобий образдаги коннотацияси ушбу концептни умуминсоний тушуниш билан мос келади, яъни гамхўрлик, юмшоқлик, хурмат тушунчалари унда жамланган. Иккинчи образда салбий коннотация она ўз болаларига гамхўрлик қилмайди, бу эса муаллиф томонидан қораланади. *Mother* лексемаси гамхўрлик, юмшоқлик маънолари билан фикран боғланади, шу каби гамхўр, олижаноб аёл она образини эслатади, она гамхўрлиги билан жонсиз предметлар ҳам эсга олинади, чунки улар ҳақида ҳам инсон онгида қандайдир бир яхши таасуротлар эсланади: *It was my mother's blanket take it for the baby* (Бу менинг онамнинг ёпинчиги, уни болангиз учун олинг); *Pies Like Mother Used to Make*³⁰ (Онам тайёрлаган пирогга ўхшайди). Шунингдек, Стейнбек асарларида «Mother» концептида мана шундай маъно компоненти мавжуд, яъни «кучли инсон», «оила таянчи» каби. Она образи кучлилик, оила таянчи, уй осойишталигини сакловчи маънолари билан фикран боғланади. Романда «Mother» концепти «бола учун қайгуриш туйғуси», «боладан ажраб қолиш кўркинчи» қабилар билан боғланади. Дж.Э.Стейнбек ўз асарларида ёмон она образини ҳам яратади, яъни унинг «East of Eden» (Эдемдан Шаркка қараб) романида Кетрин шундай образ ва у муаллиф томонидан қораланади. У она бўлгиси келмайди, ўгилларини тукқандан кейин уларни ташлаб кетади. Уни туғдираётган киши аёлнинг оналикни истамаётганини сезади: *«he saw true hatred in her eyes, unforgiving, murderous hatred»*³¹ (унинг қарашларида ҳақиқий нафратни, аёвсиз, ёвуз, ваҳшиёна нафратни кўради).

